

Саховатнинг мукофоти (Азизхон домланинг мавъизаларидан)



09:00 / 07.07.2021 2805

Тошкентлик аҳли илм биродарларимиздан бири ҳикоя қилади:

«Бир куни узоқ вилоятга бир иш билан боришимга тўғри келиб қолди. Йўл узоқ бўлгани сабабли тадорик ҳам шунга яраша эди. Уловимни ёқилғисини яхшилаб тўлдиргач, бомдод намозидан кейин йўлга чиқдим.

Шаҳар ортда қолиб, кимсасиз далалар бошланди. Ғира-шира тонг ёруғида йўл четида тўхтаб турган бир қимматбаҳо машина эътиборимни тортди. Ёқилғиси тугаган шекилли ҳайдовчи қўлида бўш идиш билан ўтган-кетган машинага қўл кўтарарди. Гарчи машиналар тез-тез ўтиб турса ҳам бирортаси тўхтаб демасди. Табиийки, ночор ҳолатдаги ҳайдовчи чиқмаган жондан умид деб менга ҳам қўл кўтарди. Шу пайт шайтон қалбимга

васваса солиб, «Мана шундай қимматбаҳо машинада юргунча, вақтида ёқилғисини қуйиб юрса бўлмасаканми?! Ўзидан кўрсин, сенинг борар манзилинг ҳали узоқ. Ҳозир бунга ёрдам берсанг, ўзинг қийналиб қоласан», дея нафсимни қитиқлай бошлади.

Мен ҳам бошқа машиналар қатори тўхтамай ўтиб кетдим. Озгина юргач, ақлим ўзимга келди. Эртага қиёматда, мол-дунё заррача ёрдам бермайдиган кунда Аллоҳ таоло: «Эй бандам! Сенга мен ҳидоят берган эдим. Менга иймон келтирган эдинг. Одамларга Мени танитардинг. Мен фалон жойда сенга эҳтиёжим тушиб, тўхтатганимда, юзингни терс буриб ўтдинг», деса-ю мен Унга нима деб жавоб бераман?! Қандай баҳона билан ўзимни оқлайман?

Ўйлаб ўтирмай, шартта тормозни босиб, машинани орқага қайтардим. Ҳафсаласи пир бўлиб, ортимдан қараб қолган ҳалиги машинанинг эгаси менинг қайтганимни кўриб, хурсандчилигидан шукрона келтирарди.

– Қани, амаки, бакинғизни очинг, – дея ўзимнинг машинамдан бензин ола бошладим.

Ҳеч қанча ёқилғи қуймасимдан амаки хижолатомуз «Етар, укам, энг яқин «заправка»га етиб олсам бўлди», деб қолди. Уни бу ноқулай вазиятдан қутқариш учун: «Бу озгина бензин билан энг яқин ёқилғи қуйиш шохобчасига етиб боролмасангиз керак. Ҳеч ўйламанг, машинамни қорнини яхшилаб «тўқлаб олганман». Манзилимга бемалол етиб бораман», деб ҳазиллашиб қўйдим.

Ҳамма ишни тугатиб, машинасини ўт олдирган амаки менга миннатдорчилик билдириб, бир даста пул узатди.

– Э-э, қўйсангиз-чи, бу ишни холис Аллоҳ учун қилдим. Пулингиз керак эмас. Дуо қилсангиз кифоя, – дея унинг қўлини қайтардим.

– Майли, дуони қиламан, лекин мен ҳам ўзимга тўқ одамман. Буни олмасангиз хафа бўламан! – деди нотаниш киши.

– Бир нарсани тушунишингизни хоҳлардим. Бу ишни холис Аллоҳ учун қиляпман. Агар ундай бўлмаганда сизни биринчи кўрганимдаёқ тўхтардим. Шунинг учун пулингизни ололмайман, – дедим қатъийят билан.

Ҳалиги киши менинг бу гапларим самимий эканига ишониб, ортиқча мажбурламади. Мен эса машинамни юрғазиб, у ердан узоқлашдим.

Манзилимга эсон-омон етиб келгач, кечгача бу ердаги ишларимни тугатиб, уйга қайтадиган бўлдим. Машинанинг ёқилғи миқдорини кўрсатиб турувчи қизил чироғи ўчиб-ёна бошлагач, йўлда учраган биринчи ёқилғи қуйиш шохобчасига кириб чиқишни дилимга тугиб қўйдим. Аксига олиб, вақт алламаҳал бўлиб қолгани учун йўлимда учраган бирорта «заправка»да ёқилғи йўқ ёки умуман ишламаётган эди. Энди нима қилсам экан деб бошим қотиб турганида узоқдан яна бир ёқилғи қуйиш шохобчасининг чироқлари кўринди. Чиқмаган жондан умид деб машинамни ўша томонга бурдим. Саҳар вақти бўлгани учун оператордан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Ёқилғи борлигини эшитгач беҳад хурсанд бўлдим. Машинамга тўла қилиб ёқилғи қуйдириб, ҳисоб-китоб қилиш учун касса бордим. «Ука, неча пул беришим керак?» деган саволимга оператор йигит юзида табассум билан «Ҳеч қанча! Бемалол кетаверинг, оқ йўл», деди.

– Узр, мени ким биландир адаштирдингиз... – дедим индамай кетаверишга юзим чидамай.

– Йўқ, ҳеч ким билан адаштирмадим. Ҳатто сизни танитайман ҳам, – деди нотаниш киши. – Лекин бир иш бўлдики, бундай кейин ҳар ҳафтанинг бошида биринчи кириб келган кишига бепул ёқилғи қуйиб бераман деб ният қилдим. Мана, бугун душанба ва биринчи бўлиб сиз кириб келдингиз.

– Агар сир бўлмаса, бунинг сабаби нима? – дедим қизиқишим ортиб.

– Кеча уйга борсам, кечки овқатни еб бўлганимиздан кейин дадам: «Ўғлим, мана шу ишинг билан неча йилдан бери шуғулланаяпсан?» деб сўраб қолдилар. «Ақлимни таниганимдан бери, десам хато бўлмаса керак, дада», дедим мен нега бундай савол берганларига ҳайрон бўлиб. Дадам ҳам шу соҳада ишлаганлар, ҳозирда нафақа ёшидалар. Болалигимдан дадамнинг ёнларида қарашиб юрганим учун сал кам ўттиз йилдан бери шу иш билан шуғулланаяпман, десам муболаға бўлмас.

Хуллас, дадам: «Ўғлим, шу кунгача бирон кишига холис Аллоҳ учун текинга ёқилғи қуйиб берганмисан?» дея савол беришда давом этдилар. «Йўқ», дедим. «Буни қараки, мен ҳам деярли 60 йиллик иш фаолиятим давомида бундай қилмаган эканман. Бугун эрталаб келаётганимда ғалати иш бўлди. Шошилиш чикиб кетиб, машинага ёқилғи қуйдириш ҳам эсдан чикибди. Аксига олиб, овлоқ бир жойга етганда машина ўчди. Камига ҳеч ким тўхтамади. Шунда ёнимдан ўтиб кетган навбатдаги машина бирдан орқасига қайтди. Озгина ҳам етади, деганимга қарамай ўн литр бензинни қуйиб, бир сўм ҳам пул олмай кетди. Унинг бу қилган холис иши менга

жуда қаттиқ таъсир қилди.

Ўғлим, эртага шунча йиғилган мол-давлатнинг жавобини қиёматда қандай берамиз? Беҳисоб мол-давлатинг, қимматбаҳо машинанг биланг ҳам истаса, йўлнинг ўртасида бир литр бензинга зор қилиб қўйиши ҳеч гап эмас экан...»

Эҳ, ака, ишонсангиз тунни билан кўзимга уйқу келмади. Эрталаб ишга отланганимда ким келишидан қатъи назар холис Аллоҳ учун, бир сўм пул олмай, бензин қуйиб бераман деб ният қилдим. Буни қарангки, сиз тўғри келиб қолдингиз... – дея юзида табассум билан сўзини якунлади суҳбатдошим.

Томоғимга нимадир тиқилганини ҳис қилдим. Яна озгина турсам, кўзимдаги ёшни билиб қолишидан ҳадиксираб, шоша-пиша хайрлашдим. Машинамни ўт олдириб, йўлда кетар эканман, ўзимга-ўзим: «Ё Аллоҳ, мусобақада ҳамиша ўзинг ғолибсан! Сендан ғолиб бўлувчи бошқа ҳеч бир зот йўқ! Шунча жойдан ёқилғи тополмай, айнан шу ерга олиб келишинг ҳам беҳикмат эмас экан», дер эдим.

Мустафо Маъмуржонов

«Ҳилол» журналининг 6 (27) сонидан олинди